

Райханов У.А.,

Рахматова Н.А.

Ўзбекистон Миллий университети

# ЎРТА МУЛҚОРЛАР СИНФИННИГ РИВОЖЛАНИШИДА ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Хозирги даврда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида айниқса қишлоқ жойларда ўрта мулқорлар синфини ривожлантиришига катта эътибор қаратилмоқда.**

Чунки, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсоний ресурсларнинг таркибий қисмини ташкил қиласди ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари - йирик ишлаб чиқаришга ҳаракатчанлик бахш этади.

Демак, шундай экан, бозор муносабатларининг ўзгариши, аграр соҳада ислоҳотларнинг бош мезони - ерга, мулкка ва етиштирилаётган маҳсулотларга эгалик масаласи, ушбу жараёнда иштирок этувчи турли шахсларнинг фаолиятлари қонуни бўлиши мамлакатда олиб борилаётган аграр ислоҳотининг устуворлигини таъминлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ўрта мулқорлар синфини шакллантиришнинг умумий қоидаларидан ташқари миллый хусусиятлари ҳам мавжуддир. Буларни бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки шароити ва мамлакат тараққиётининг миллый модели белгилайди. Миллый модел аввало ўрта мулқорлар синфини шакллантириш заруратидан келиб чиқсан, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнининг мараккаблиги ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказишни назарда тутган.

Ўрта мулқорлар синфини шакллантириш хилма-хил ҳўжалик турлари мажмуасида хусусий ҳўжалик укладининг етакчи бўлишини билдиради. Бунга фақат мулкни эмас, балки

иқтисодий фаолиятни кенг қамровли хусусийлаштириш орқали эришилади. Аммо мулкий ўзгаришлар бирламчи ҳисобланади<sup>1</sup>.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича ҳозирда ўрта синф шаклланнишининг қўйидаги икки йўли кенг тарқалган:

эволюцион йўл;  
ислоҳотлар йўли.

Биринчи ҳолатда ўрта синф унинг юқори рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичлар асосида шаклланади ва ривожланади. Ислоҳотлар йўлида эса ўрта синф қайта тақсимот тадбирлари ёрдамида шаклланади. Мазкур ислоҳотлар революцион ва босқичма-босқич характерага эга бўлиши мумкин. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишида давлат асосий роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистонда ўрта синф эволюцион йўл орқали шаклланниши мумкин эмас. Чунки, иқтисодий ислоҳотлар натижасида хусусий мулкнинг мажбуран давлат мулкига айлантирилиши оқибатида иқтисодий ривожланишнинг мазкур тарихий йўли инкор этилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашув даврида ўрта синфи шаклланнишининг ислоҳотлар йўли ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан дол зарб ҳисобланади.

<sup>1</sup> А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Боз таҳририяти, 2006. 40- б.

Тараққий этган мамлакатларида ўрта синф аҳолининг 60-80 фоизини ташкил этади ва унинг ҳиссасига жами истеъмолнинг 80-90 фоизи тўғри келади. АҚШда эса ўрта синф аҳолининг 95 фоизини ташкил этади ва иш ҳақи ҳажми 1500 доллардан бошланади. Германияда аҳолини ўрта синфга киритишда жон бошига тўғри келувчи даромаддан фойдаланишади ва у 1000 еврода кам бўлмаслиги керак. Испанияда эса бу кўрсаткич 700 еврода кам бўлмаслиги лозим. Бу эса ишловчиларнинг камбағалларнинг қаторига тушиб кетишига олиб келади – уни моддий аҳволини тузатиш учун социал трансферлар ёрдам беради.

Республикада ўрта мулқдорлар синфини шакллантириш индустриса соҳалар ва хизмат соҳаси билан чекланмасдан, аграр соҳасида ҳам амалга оширлмоқда. Бизга маълумки, Республика из аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва меҳнат фаолиятини амалга оширади. Шу сабали, бу соҳада хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши мақсадга мувоғик деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда дехқон хўжаликлари энг кўп сонли ва юқори товар хўжалиги бўлиб, кўп укладли тузilmани барпо этишда иштирок этади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулқчиликни вужудга келтириш, хўжаликнинг нодавлат шаклларини ривожлантириш ислоҳотларнинг бош мезонига айланган. Хўжалик юритишнинг қайси шакли қандай бўлишидан қатъий назар ислоҳотлардаги бош мезон бўлган мулкка эгалик масаласи қишлоқларда ўрта мулқдорлар синфининг шаклланиши ва унинг ривожланиши асосий масала бўлиб қолмоқда. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, қишлоқ ва сув хўжалигига иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши натижасида, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари ва шунингдек қишлоқжойлардалойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу нарса алоҳида кўзга ташланмоқдаки, бугун давлатимизнинг қишлоққа нисбатан қўллаётган сиёсати аввалги сиёсатдан фарқ қилибгина қолмай, балки тамомила янги сиёсатдир. Бу мустақилликка хизмат қилувчи хусусий мулқчилик, ширкат ва якка тартибдаги хўжаликлар, дехқон (фермер) хўжалиги, шартнома асосида ишлаш, қишлоқда қўшма корхоналар ташкил этиш ва ишга туширишдан иборат кўпгина йўналишлардир.

Давлатнинг мулк сиёсати қишлоқ ижтимоий ривожланишининг асосини ташкил этади. Бугунги кунда қишлоқларда ўрта мулқдорлар синфининг асосий вакиллари дехқон (фермер) хўжаликлари бўлиб, аграр соҳа инфраструктураларини ривожлантириш ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштириш, талаб ва таклиф асосида бошқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланди. Бунда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва унинг таркибий структурасини мавжуд ер салоҳиятидан келиб чиқиб ташкил қилиш давр талаби бўлиб қолди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аграр соҳада кўпмулқчиликнинг жадал тарзда ривожланишини таъминлади. Натижада ўрта мулқдорлар синфи вакиллари ҳисобланган дехқон (фермер) хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан ошиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 27,8 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 2,2 фоизни ташкил қилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тизимининг негизини мулқчилик муносабатларини қайта қуриш ташкил қиласи, буни амалга оширмай туриб, республикамининг аграр соҳаларида амалий, иқтисодий суверенитетини, корхоналарнинг самарадорлигини охир-оқибатда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Бу жараёнлар хўжалик муносабатларида, аҳолининг ижтимоий таркибида, унинг турли табақалари даромадлари ва

мулкий ҳолатида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, иқтисодий номутаносибликка ва ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик учун мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига босқичма-босқич ўтиб борилади. Иқтисодиётда мулкчиликнинг турли-туманлигини шакллантиришнинг зарурлигини қайд қилган ҳолда республикамиз Президенти И.А. Каримов қўйидагича таъкидлайдилар: «...биринчи галдаги асосий вазифа - мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал қилиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни – хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.»<sup>2</sup> Бу мақсадни амалга оширишга бир қатор восита ва йўналишлар орқали эришиш мумкин бўлиб, улар орасида мамлакатимизнинг янада гуллабяшнаши кўп жиҳатдан қишлоқларимизни обод бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига бевосита боғлиқ.

Энг муҳими, давлатнинг қишлоққа нисбатан адолатли сиёсати туфайли бугунги дехқоннинг онги, психологияси, қарашлари республикада фуқаролик жамияти қурилиши қонуниятлари билан мос келмоқда. Ўрта мулкдорлар синфининг асосини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва дехқон (фемер) хўжаликлари томонидан 2000 йилда

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 32 б.

мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якунни билан бу кўрсаткич қарийиб 53 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу мазкур соҳаларда меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради<sup>3</sup>.

Президентимиз И.А.Каримов “қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, ўрта табақа-мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбильармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш”<sup>4</sup> асосий йўналишлардан бири эканлигини таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда дехқон (фермер) хўжаликлари ривожланиши учун барча шартшароит ва имкониятлар яратилган бўлсада, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борки, уларнинг ҳал қилиниши ушбу хўжалик шаклларининг ривожланишини янги босқичга кўтаради, жумладан:

қишлоқаҳолиси турмуш шароитини баҳолаш муаммолари;

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таракқиётимизнинг муҳим омилидир. // Халқ сўзи. 8. 12. 2010.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўпламана. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

### Хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш\* (жамига нисбатан %)

	қишлоқ хўжалик корхоналари	дехқон хўжаликлари	фермер хўжаликлари
2000	27,8	66,7	5,5
2001	27,3	65,4	7,3
2002	25,9	64,1	10
2003	22,1	63	14,9
2004	19,3	62,1	18,6
2005	14	61,7	24,3
2006	6,3	62,3	31,4
2007	2,5	64,1	33,4
2008	2,2	65,3	32,5
2009	2,2	63,3	34,5

\* Альманах Узбекистан 2010. –Тошкент, 2010. 59 б.

миллий иқтисодиётда қишлоқ ахолиси турмуш шароити күрсаткычлари тизимини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш;

фермер хўжаликларида экиш, ишлов бериш, ийғишириб олиш учун техника таъминотининг муаммолари. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

фермер хўжаликларида ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, керакли уруғлар етказиб бериш ва сервис хизмати кўрсатиш муаммолари;

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришни янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш масалалари;

фермер хўжаликлар қатталигини оптимальлаштириш масаласи ва қишлоқ жойлардаги қурилишни комплекс ривожлантириш, намунавий турар-жой ва ижтимоий инфраструктура объектларини барпо этишдир.

Ўрта мулқдорлар синфи таркибини ташкил қилувчи агросаноат мажмуида вужудга келган хўжалик субъектлари республикамиз ахолисининг муайян эҳтиёжларини қондириш билан бирга мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун қулай шароит ҳам яратади. Ушбу хўжаликлар агросаноат мажмуида эркин иқтисодий муҳит яратади ва ўзига хос вазифаларни бажаради. Жумладан:

ўз хўжаликлари эҳтиёжини таъминлайди;

мазкур хўжаликларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга хизмат қиласи ва шу билан бирга, республика бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бойитади;

ахолини иш билан таъминлаш билан бирга, уларнинг меҳнат қобилияти ва кўнималарини сақлаб қолишга имконият туғдиради;

бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат муҳитини яратади.

Юқорида қайд этилган вазифалар агросаноат мажмуи тармоқларида ўрта мулқдорлар синфини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, агросаноат мажмуида тадбиркорлик ўзига хос ижтимоий иқтисодий шароитда равнақ топмоқда:

агросаноат мажмуида тадбиркорлар янги техника ва технология билан паст даражада таъминланганлиги ва мавжудларини эса модернизациялаш зарурлиги;

турли касб ва тажрибага эга бўлган қишиларнинг кўпчилиги кичик бизнес соҳасига ўтиб кетиши муносабати билан вужудга келган алоҳида иқтисодий вазиятнинг мавжудлиги;

қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолияти учун зарур билим ва тажрибанинг етишмаслиги;

бозор инфратузилмасининг аграсаноат мажмуига тўлиқ кириб бормаганлиги.

Ўрта мулқдорлар синфининг асосини ташкил қилувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермер (дехқон) хўжаликлари вакиллари фаолиятини ривожлантириш мақсадида юқоридаги муаммоларни ҳал этишда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади, деб ҳисоблаймиз:

қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий хавфсизлиги кафолатларини кенгайтириш;

фермер (дехқон) хўжаликларга кредитларни бериш тизимини содалаштириш;

фермерлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи инфратузулма объектиларини шакллантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик фаолият соҳалари бўйича тадбиркор кадрларни тайёрлашни кучайтириш;

фермер ва дехқон хўжаликларнинг моддий ресурслардан фойдаланиши учун қулай шартшароит яратиш;

фермер хўжаликларда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ташаббускорлигини қўллаб-куватлаш;

тадбиркорларнинг бозор конъюнктураси тўғрисидаги ахборотларни олишига ва бозорни ўрганишига кенг имкониятлар яратиш;

фермер (дехқон) хўжаликларини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашга кўмаклашиш;

самарали фаолият юритиб келаётган илгор тадбиркорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни кенг йўлга қўйиш.

Бу мақсадни амалга оширишга бир қатор восита ва йўналишлар орқали эришиш мум-

кин бўлиб, улар орасида мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан қишлоқларимизни обод бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига бевосита боғлиқ.

---

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. // Халқ сўзи. 8. 12. 2010
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепсияси. 12.11.2010.
4. А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. -Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2006. 40- б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.